

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ: РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Турсунов Б.О., Мамадолимова М.М.

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

Мақолада миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш омиллари замирида ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда мавжуд имкониятлардан самарали жараёнларини тизимли ташкил этишга доир илмий-амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: *глобаллашув, очик иқтисодиёт, рақобатбардошлик, рақобатбардошлик даражаси, экспорт рақобатбардошлиги, экспорт салоҳияти, технологик тараққиёт, ички бозор сизими, ишбилармонлик муҳити.*

В статье приводятся научные и практические рекомендации по системной организации эффективных процессов существующих возможностей для формирования конкурентоспособной экономики, а также условий и факторов повышения конкурентоспособности национальной экономики.

Ключевые слова: *глобализация, открытая экономика, конкурентоспособность, конкурентоспособность, технологическое развитие, емкость внутреннего рынка, бизнес-среда, конкурентоспособность экспорта, экспортный потенциал.*

КИРИШ

Ишлаб чиқариш ва капиталнинг глобаллашуви шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги алоҳида аҳамият касб этади. Глобаллашув даврида очик иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ривожланиши халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шаклларида фойдаланишнинг интенсивлигига боғлиқ бўлиб, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳар бир йўналиши мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида халқаро даражадаги рақобат муҳитига мослашиш ва рақобатбардошликни таъминлаш жараёни ҳар бир мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган муаммоларни тизимли асосда бартараф этиш муҳим устувор аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамокдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда. Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур»[1].

Юқоридаги ҳолатлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг товар

ва хизматлар, корхоналар, тармоқлар, хуудлар ва мамлакат даражасидаги омилларидан самарали фойдаланишга доир муаммоларни тизимли тартибда ўрганиш тадқиқ этиш масаласини долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, дунё мамлакатларида рақобатбардошликнинг шарт-шароитлари ва омилларини тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-услубий ёндашувларни ўзида акс эттирган адабиётларни яратишга эътибор кучайди. Бу борада америкалик олимлар М.Портер [2], П.Кругманлар [3] томонидан мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлик даражасини тавсифловчи мезонлар ва кўрсаткичлар аниқлашга нисбатан қатор илмий ёндашувлар амалга оширилди. Шу билан бирга рақобатбардошликнинг халқаро даражасини шаклланиш ва ривожланиш жараёнига доир қатор тадқиқотлар МДҲ иқтисодчи олимларидан Г.Л.Азоев, А.П.Челенков [4], Р.А.Фатхутдинов [5] ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш шарт-шароитлари ва омилларини тадқиқ этишнинг илмий асосларини ёритишга доир тадқиқотлар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ш.Д.Эргашходжаева [6], А.В.Вахабов, Д.А.Гаджибаева, Ш.Х.Хажикаев [7] ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Юқоридаги адабиётларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш шарт-шароитлари ва омиллари билан боғлиқ тадқиқотларнинг умумий натижаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги рақобат таъсири остида вужудга келадиган иқтисодий жараён сифатида талқин этилган;

- мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда рақобатбардошлик омилларининг ўрни асосий аҳамият сифатида эътироф этилиб, рақобатбардошлик шарт-шароитларини таъминлаш жараёни тадқиқ этилмаган;

- миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш омиллари мамлакатларнинг ривожланиш нуқтаи назаридан талқин этилмаган ва бошқалар.

Юқоридаги ҳолатлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш шарт-шароитлари ва омилларини тизимли тадқиқ этиш ва улар ўртасида узвий алоқадорликни таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг зарурияти бозор муносабатлари ривожланишининг замонавий босқичида рақобат курашининг кескинлашуви, асосан хом-ашё экспортига қаратилган стратегиянинг жиддий чекланиши орқали юзага келади. Тайёр маҳсулот ва хизматларни халқаро бозорларга олиб чиқиш жараёни иқтисодиётда жиддий таркибий ўзгартиришларга асосланган инновацион ва илмий-техник омилларни

ўзлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг амалдаги босқичи замонавий бозор муносабатларини шакллантириш орқали глобализацион иқтисодий тизимнинг турли поғоналарида рақобатбардошликнинг юқори даражасини таъминлаш муаммосини долзарблаштиради.

Иқтисодиёт ва унинг тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлиги таъсирида аҳолининг иш билан бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланади.

Мамлакатда амал қиладиган иқтисодий тизим ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси миллий иқтисодиёт рақобатбардош-лигини таъминлаш омилларидан саамарали фойдаланиш имкониятларини шакллантириш учун хизмат қиладди. Шу сабабли, ривожланган, ривожланаётган, қолоқ мамлакатлар иқтисодиёти учун рақобатбардошликни таъминлаш омиллари турли аҳамият касб этади. Ушбу жараённи қуйидаги гуруҳлаш орқали кўриш мумкин:

I. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида рақобатбардошликни таъминлаш омиллари:

- техник ва технологик тараққиётнинг юқори даражаси;
- ишлаб чиқариш жараёнининг илмий ва инновацион ривожланиши;
- аҳолининг саводхонлик ва саломатлик даражасининг юқори суръатлари;
- иқтисодий фаолият субъектларининг ахборот-коммуникация тизими орқали юқори интеграциялашуви;
- бозор инфратузиласининг сифати ва самарадорлик даражасининг юқорилиги;
- ички бозор сиғимининг юқори даражаси;
- қулай инвестицион ва инновацион муҳитнинг юқори суръатлари ва бошқалар.

II. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида рақобатбардошликни таъминлаш омиллари:

- ишчи кучи сураътининг юқори даражаси;
- капитал самарадорлигининг юқори суръати;
- табиий ресурс салоҳиятини юқори даражада ўзлаштирилиши;
- меҳнат сиғими ва самарадорлигининг ортиб бориши;
- иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида юқори ўсиш суръатларининг техник ва технологик тараққиёт даражасига боғлиқлиги;
- инвестицион муҳитнинг юқори даражаси ва бошқалар.

III. Қолоқ мамлакатларда рақобатбардошликни таъминлаш омиллари:

- меҳнат ресурсларининг юқори даражаси;
- ўзлаштирилмаган табиий ресурс салоҳияти ва бошқалар.


Юқоридагилар билан бир қаторда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ортиши қуйидаги шарт-шароитларни тақозо этади:

- миллий иқтисодиётнинг очиклик даражаси;
- экспорт диверсификацияси;
- макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик ҳолати;
- ишбилармонлик муҳитини;
- иқтисодий фаолият субъектларининг бозор кучлари таъсири остидаги хатти-ҳаракати ва бошқалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш шарт-шароитларини яратиш ва омилларидан самарали фойдаланишга юқори даражада эътибор қаратилганлиги сабабли, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш суръати кескин ортди.


2018 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107333,0 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 13,3 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилга нисбатан 118,1 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2017 йилга нисбатан 159,9 фоиз ёки 34448,4 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 32,1 фоизи ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 8,6 фоиз пунктга кўп) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 72884,6 млрд. сўм ёки 105,3 фоизни ташкил этди [8].



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2017-2018 йилларда асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари [8].

Мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган устивор тармоқларини эркинлаштириш ва модернизациялашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида экспорт таркибида сезиларли сифат ўзгаришлари рўй берди. Шунинг билан бир қаторда жаҳон бозори конъюктурасига мос равишда таклиф ҳажмининг билдирилиши, рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг муттасил амал қилиши, экспортга йўналтирилган тармоқларда эркин нархлар тизимининг жорий этилиши каби бир қатор ҳолатлар экспортни диверсификация қилишга кенг қўламли имконият яратди.



2-расм. 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида товарлар ва хизматлар экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши[8]

Республикамизда экспорт рақобатбардошлигини ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2018 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 36,8 фоизни ташкил этиб, ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 136,8 фоизни ташкил этди. Бошқа хорижий давлатларнинг республика ташқи савдо айланмасидаги улуши 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 65,8 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 63,2 фоизга етди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,6 фоизга камайди.

Юқорида экспорт салоҳитидан самарали фойдаланиш борасида эришилган ютуқлар билан бирга бу борада айрим йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Ушбу камчиликларнинг комплекс ифодаси қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш даражаси ўртасидаги нисбатнинг юқорилиги;
- мамлакатимиз саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда, саноат ва бутун иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон бозори конъюктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлиги камайтиришга йўналтирилган норматив кўрсаткич ва тарифларнинг барқарор эмаслиги;

- экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарини ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириб бориш тизимини жорий этиш даражасининг пастлиги;

- тармоқ ва ҳудуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган, ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш жараёнида асосан хом-ашё ва техник-технологик ҳолатга нисбатан ёндашувнинг юқорилиги;

- энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни асосан экспорт таркибида юқори суръатларни қайд этаётган тармоқларда қўллаш жараёнининг ортиб бориши ҳисобидан тармоқ ва соҳалар экспорт фаолиятида юқори даражадаги номутаносибликларни юзага келаётганлиги ва бошқалар.

Фикримизча, мамлакатимизда рақобатбардошликни ошириш шарт-шароитлари ва омилларидан мақсадли фойдаланиш йўналишларини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрнини ошириш;

- иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида амалга оширилаётган туб таркибий ўзгаришлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тавсифловчи мезонларни тўлиқ шакллантириш;

- саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишда бозор механизмидан самарали фойдаланиш муаммолари тадқиқ этиш;

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик мезонларини шакллантиришда мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-2018>

2. М.Е. Porter. The Competitive Advantage of Nations. – Free Press; 1 edition (Jun 1 1998). – 896 p.

3. П.Р.Кругман, Обстфельд М. Международная экономика: Теория и политика – М.: Экон. Фак. Моск. гос. ун-та: ЮНИТИ, 1997. 769 с.

4. Г.Л.Азоев, А.П. Челенков Конкурентные преимущества фирмы. - М.: ОАО «Типография «Новости», 2000. - 256 с

5. Р.А.Фатхутдинов Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. – М.: Инфра-М, 2000. – 312 с.

6. Ш.Д. Эргашходжаева Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2013 й.-328 б.

7. А.В.Вахабов, Д.А.Таджибаева, Ш.Х.Хажикабиев. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.- Т.: Молия, 2011. - 708 б.

8. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти